*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ШАНБА СОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ № 121 (9367). • 1988 йил 25 июнь • Баҳоси 3 тийин.

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

**КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети «Юқори сифатли дон етиштириш ва давлатга сотишни иқтисодий рағбатлантиришни кучайтириш тўғрисида» қарор қабул қилдилар.**

Юқори сифатли дон етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтиришдан колхозлар, совхозларнинг ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотларининг моддий манфаатдорлигини ошириш ва донни четдан харид қилишни камайтириш мақсадида КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети 1958 йил 30 июнда СССР Министрлар Совети чиқарган 690- ва 1967 йил 11 июлда чиқарган 637-қарорларни, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1982 йил 25 ноябрдаги 1017 ва 1985 йил 4 июндаги 526-қарорларини қисман ўзгартириб, 1988 йилги ҳосилдан бошлаб қишлоқ хўжалик маҳсулотларига янги харид нархлари жорий этилгунга қадар доннинг харид нархларига қуйидаги устама ҳақларни тўлашга қарор қилдилар: 1 класс қаттиқ буғдойга — 150 процент, II классга — 100 процент, III классга — 50 процент; I класс юмшоқ буғдойга (кучли, камида 40 процент клейковинаси бўлган) —100 процент, I класс (кучли) — 75 процент, II класс (кучли) — 50 процент, III класс (қимматли) — 30 процент; энг қимматли гречиха навларига — 25 процент, болалар озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун — 50 процент; шолининг энг қимматли навларига — 20 процент, девзира навларга — 100 процент; энг қимматли сули навларига — 100 процент, ҳар литрида камида 520 грамм натура ҳолидаги маҳсулот бўладиган энг қимматли навларга — 150 процент, болалар озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун — 200 процент; энг қимматли ясмиқ навларига — 50 процент; энг қимматли арпа навларига —20 процент; энг қимматли нўхот навларига — 50 процент; энг қимматли ясмик навларига — 25 процент; энг қимматли ловия навларига —50 процент.

Мазкур устама ҳақлар маҳсулот сифати гостларнинг талабларига мувофиқ келган тақдирда тўланади.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг 1986 йил 20 мартдаги 358-қарорининг 2-бандини қисман ўзгартириб, 1988 йил ҳосилидан бошлаб колхозлар, совхозларга ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига ўн биринчи беш йилликнинг ўртача йиллик даражасидан ортиқча сотилган дон учун харид нархларига 150 процент миқдорда устама ҳақ тўлансин. Бунда ўн иккинчи беш йиллик планида кўзда тутилган харид ҳажмларига мувофиқ тузилган давлатга дон сотиш шартномалари бажарилиши шарт (шу даражани оширган, аммо ўн иккинчи беш йиллик планида кўзда тутилган харид ҳажмларини бажармаган хўжаликларга 50 процент миқдорида устама ҳақ тўланади). Қаттиқ буғдой, гречиха, нўхот, тариқ, ловия, мош, нут ва ясмик дони харид нархларининг мазкур устама ҳақлари умуман дон реализация қилиш даражаси оширилишидан қатъи назар тўлансин.

Ушбу қарорга мувофиқ, доннинг харид нархларига оширилган устама ҳақлар жорий этилиши муносабати билан 1988 йилнинг 1 июлидан бошлаб давлат омихта ем корхоналарида омихта ем ишлаб чиқариш чоғида фойдаланиладиган хом ашё нархларидаги тафовутни бюджетдан ундириб олиш бекор қилинади.

СССР нархлар давлат комитетига СССР Молия министрлиги, СССР Давлат агросаноат комитети ва СССР Дон маҳсулотлари министрлиги билан келишган ҳолда омихта ем ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган хом ашё қийматини ва уларнинг колхозларга, совхозларга ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотларига бериладиган миқдорини аниқлаш тартибини белгилаш топширилди. Бунда бройлер паррандачилиги, ёрдамчи қишлоқ корхоналари ва ташкилотлари учун омихта емнинг, шунингдек давлат ресурсларига қабул қилинадиган юқори сифатли буғдой донига алмаштириб бериладиган омихта ем ҳамда матлубот кооперацияси ташкилотлари аҳолига сотадиган омихта емнинг таркиб топган нархлари даражаси сақлаб қолиниши кўзда тутилсин.

Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, халқ депутатлари ўлка ва область Советларининг ижроия комитетларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархларига табақалаштирилган устама халқларни белгилаш учун КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг 1987 йил 18 декабрдаги 1428-қарорига мувофиқ ажратилган маблағлар ҳисобидан дон етиштириш ва давлатга сотишни иқтисодий рағбатлантириш тўғрисидаги масалани қўшимча равишда кўриб чиқиш таклиф этилди.

## • *Бугун — Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар куни*



«Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракати тобора авж олаяпти. Бундай ижодкорлар сафи муттасил кенгайиб бормоқда. Улар ўзларининг изланишлари билан ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштиришга, робот техникасини яратиш ва жорий қилишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Суратда: инженер-конструктор В. Кармишин, электр слесари Г. Беломитцев ва созловчи Е. Казаков янги рационализаторлик таклифини жорий қилиш устида ишлашяпти.

**А. Зуфаров** фотоси.

## Бутун куч—қайта қуриш ишига

24 июнь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясида республика партия ташкилотидан қатнашадиган делегатлар билан учрашув бўлиб ўтди.

Мамлакат коммунистлари анжумани ниҳоятда муҳим, тақдирга даҳлдор қарорлар қабул қилмоғи лозим, деб таъкидланди учрашувда. Қайта қуриш йўлидаги ҳамма ғовларни олиб ташлаш, революцион янгиланиш жараёнига янги омил бахш этиш, унга муқаррар тус бериш учун нималар қилмоқ керак? Ана шу масалаларни ҳал этиш делегатларнинг позицияларига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Партия конференциясига тайёргарлик чоғида делегатларнинг ҳар бири ўз позициясини республика меҳнаткашлари фикри билан қиёслаб олиш имкониятига эга бўлди. КПСС Марказий Комитети Тезисларининг муҳокамаси партиянинг роли, советларнинг ваколатларини тўла ҳажмда қайта тиклаш, иқтисодий ва социал тараққиётни жадаллаштириш тўғрисидаги масалалар одамларнинг алоҳида эътиборини жалб қилувчи энг муҳим масалалар эканлигини кўрсатди. Меҳнаткашларнинг фикри, уларнинг таклиф ва мулоҳазаларини конференция делегатлари наказ сифатида қабул қилишлари керак, дейилди учрашувда.

Мамлакат коммунистлари анжуманининг делегати бўлиш — юксак шарафгина эмас, жуда катта масъулият ҳамдир. Республика партия ташкилотидан борувчи делегатлар ўзларига кўрсатилган ишончни оқлаш учун ҳамма ишларни қиладилар, бутун билим ва тажрибаларини қайта қуриш ишига сарфлайдилар, деб ишонч билдирилди.

Учрашувда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).




# АЛИБЕККА ИШОНАМИЗ

• Делегатларимиз •



Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти студентлари тенгдошлари Алибек Отахонов XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига делегат қилиб сайланганлигини эшитиб қувонишди, ҳайратланишди.

1980 йилда ҳарбий хизматга чақирилган А. Отахонов совет қўшинларининг чекланган контингенти сафида дўст афғон халқига ёрдам қилган жангчилардандир.

У интернационал ва йигитлик бурчини Улуғ Ватан уруши қатнашчиси бўлган отасидек ҳалол ўташга ҳаракат қилди. Икки марта ярадор бўлганлигига қарамасдан хизмат муддати охиригача жанговар сафни тарк этмади. Кўксидаги Қизил Юлдуз ордени Афғонистонда кўрсатган мардлиги ва жасорати белгисидир.

Энг оғир ва масъулиятли жойларда бўлиш Алибекнинг ҳаёт қонунига айланган. Совет Армияси сафидан қайтгач, у интернационал-жангчи сифатида ўзига берилган имтиёздан фойдаланиб ўтирмади. Комсомолобод районидаги «Оқ олтин» совхозида тракторчилик қила бошлади. Кейин эса 1985 йилда Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги номи берилган область зарбдор ёшлар қурилиш отрядининг комиссари бўлиб Новгородга йўл олди. У Ноқоратупроқ зона бунёдкорлари сафида бўлди, тракторчилик қилди. Шундан кейингина Тошкент давлат педагогика институтига ўқишга кирди.

— Интернационал жангчилар тўғрисида қилинаётган ғамхўрликлар учун партия ва ҳукуматимиздан мамнунман, — дейди Алибек. — Лекин институтга кириб олиш учун берилган имтиёздан фойдаланишга иккиландим. Агар билимингг саёз бўлса, сендан қандай мутахассис чиқиши мумкин...

Ана шундай дунёқараши, ҳалоллиги, камтаринлиги, бошқа кўпгина инсоний хислатлари учун институт ёшлари уни самимий ҳурмат қилишади, фахрланиб «бизнинг делегат» дейишади. Алибек конференцияда ҳам ёшларнинг ўқиши, меҳнати, дам олиши билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда, студентлар, тенгдошларидан олган наказларни бажаришига ишонишади.

— Чинакамига революцион даврда яшамоқдамиз, — дейди делегат.— Менга, бўлажак педагог сифатида тарихимиздаги оқ доғлар йўқолаётгани, тугун бўлиб ётган муаммолар ечилаётгани жуда таъсир қилаяпти. Конференцияда ҳам бу ҳақда гап бўлиши шубҳасиз. Тарих ҳақиқатини, социализм чинакам жозибасини ёшларга уқтириш, уларда коммунистик жамият кишиси эътиқодини тарбиялаш ўқитувчилар зиммасига алоҳида масъулият юкламоқда. Шуни ҳис этган ҳолда қайта қуриш фидойилари сафида бўлишга ҳаракат қилмоқдаман.

**Равшан АЛИМОВ,**
**студент.**

УЧРАШУВЛАР, СУҲБАТЛАР

# ҲАФТА ДАВОМИДА

**Область «Билим» жамияти, область комсомол комитети ва область китобсеварлар жамияти ҳамкорликда ташкил этган кўчма агитбригада бир ҳафта давомида Нариманов шаҳри ва Паркент райони хўжаликларида бўлиб қайтди.**

**Учрашувлар, суҳбатлар давомида олимлар қишлоқ меҳнаткашларига ва ёшларни қизиқтирган кўпгина саволларга жавоб қайтардилар. Тингловчилар лекциялар давомида сўзга чиқиб, Тезисларга бир қатор қўшимчалар киритишни таклиф қилдилар. Агитбригада аъзолари уларни умумлаштириб, область партия комитетига ва конференция делегатларига тақдим этдилар.**

**И. ЧУБАРЕВА,**
«Билим» жамияти область ташкилоти ходими.

МЕҲНАТ СЕМЕСТРИ

# ҲАШАРЧИЛАРНИ КУТИБ ОЛИНГ

Олий ва ўрта махсус билим юртларида ёзги имтиҳонлар тугаб меҳнат семестри бошланаяпти. Жойларда уларни кутиб олиш ва иш билан таъминлаш учун қандай тайёргарлик кўрилаяпти? Шу савол билан биз Янгийўл райони томон йўл олдик.

Энгельс номли совхозда етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олиш учун бу йил енгил саноат техникуми талабаларидан 150 нафари жалб этилади. Хўш, ҳашарчиларнинг келиб жойлашиши учун алоҳида уйлар борми? Йўқ. Жойлар ҳамон тартибсиз бўлиб ётипти. Кроватлар ўрнатилмаган, тўшаклар жамланмаган. Шундай аҳвол «Янгиобод» совхозида ҳам мавжуддир. Студентлар учун мўлжалланган сўрига тахталар тартибсиз қоқиб ташланган. Студентларнинг ўзлари бу ерни тартибга келтиришмаса хўжалик раҳбарларидан бирор ҳиммат кутиш қийинга ўхшайди.

Оҳангарон райони хўжаликларида бўлганимизда бошқачароқ манзарани кўрдик. «Оҳангарон» совхози 2-бўлимида 100 кишига мўлжалланган ётоқхона тайёрланибди. Бу ерда Бўка қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникуми, республика рус тили ва адабиёти педагогика институти студентлари яшаб меҳнат қиладилар. Совхознинг 1-бўлимида «Чашма» пионер лагери ҳам бор. У бир ой ўқувчиларга хизмат қилгач кейин студентларнинг меҳнат лагерига айлантирилади. Лекин шундай шароит бошқа хўжаликларда кўзга ташланмади. Мевалар пишгач хўжалик раҳбарлари албатта, ишчи кучи талаб қилиб, ўқув юртларига мурожаат қилишади. Ёшларни қабул қилиб олишга эса жой йўқ. Бу аҳволда ишнинг унуми бўлармиди?

Ўқишдан бўш пайтида қишлоқ меҳнаткашларига ёрдам кўрсатиш истагини билдирган ўғил-қизлар учун ҳар томонлама қулай шароитлар яратиб берилиши керак.

**С. ЁҚУБОВА,**
**ТошДУ студенти.**

# Томошабин бўлмайлик

Икки ўспириннинг муштлашаётганини кўрган олтмиш ёшлардаги киши уларни ажратишга тушди. Четдан буни бир неча ўспиринлар мийиғида кулишиб кузатиб туришарди.

— Бобой, улар орасига кириб нима фойда топдингиз,— деди истеҳзо билан томошабинлардан бири, жанг тугаб муштлашаётганлар ажралишиб кетишгандан сўнг. — Қаранг, костюмингизнинг елкаси йиртилиб кетибди. Ўзингиз ҳам бир-икки мушт еб қолдингиз. Жўжа-хўрозлар бир-икки чўқишиб барибир ажралиб кетишарди.

—Ҳаммамиз четда турсак кичкина жанжал чинакам дўппослашишга айланиб кетиши мумкинмасми? —деди катта ёшдаги киши.— Кейин бугун ана шундай муштлашишдан ўзимизни четга олсак, эртага қотилликни кўриб турсак ҳам тескари қараб кетадиган бўлмаймизми?...

«Бепарволик балоси» мақоласида тўғри таъкидланганидек, лоқайдлик ёмон иллат. Уни йўқотиш учун ҳар бир кишида актив гражданлик позициясини тарбиялаш лозим. Баъзи бировлар жанжал ёки тўполонга аралашиб, сўнг маъмурий органларда гувоҳлик бериб вақтлари кетишини ўйлаб, «туя кўрдингми, йўқ» қабилида иш тутадилар.

Бугунги қайта қуриш даврида бепарволик иллатига қарши қатъий курашишимиз керак.

**Акром МАҲМУДОВ.**
**Калинин райони.**




**✦ «МАЛИКА» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси бир гуруҳ ишчилари беш йиллик топшириғини тўрт йилда бажариш ташаббуси билан чиқдилар. Улар орасида биринчи тикув-бичув цехининг пешқадам чеварлари (чапдан ўнгга) М. Салимова, З. Азимова, Г. Ғаниева, М. Орипова ва М. Исроиловалар бор. Улар унумли меҳнат қилиб маҳсулот сифатини муттасил яхшилаб боришга қарор қилганлар.**

**Суратда: илғор чеварлар.**

**М. НУРИДДИНОВ фотоси.**

# ЗАВҚ БИЛАН ИШЛАШЯПТИ

Муродбек Ҳамроев номли 29-ўрта мактаб ўқувчиларини чинакам эко боғбонлар дейиш мумкин. Улар бу йилги кўкаламзорлаштириш ойлигида ўз мактаблари ҳовлисига ҳамда райондаги бошқа муассасалар территорияларига 650 туп мевали дарахт, 250 тупга яқин турли хил гул кўчатлар ўтқаздилар. Бунда мактаб комсомолёшлари билан биргаликда пионер ва ўқувчилар ҳам актив иштирок этдилар. Хусусан 4, 5, 6-синф ўқувчилари 60 туп мевали ҳамда манзарали кўчатлар ўтқаздилар.

— Коллектив меҳнатнинг завқи бошқача, — дейди мактаб комсомол комитетининг секретари Наргиза Обидова, — бундай ишлар вақтида дўстлигимиз янада мустаҳкамланади. Табиатга бўлган меҳримиз ортади.

Мактаб бош пионер вожатийси Нодира Ҳасанова ҳам худди шу фикрни тасдиқлади. Унинг айтишича пионер ва ўқувчилар фақат кўчат ўтқазишда эмас, металлолом ва макулатура тўплашда ҳам актив эканлар. Болалар шу йилнинг ўзида 4 тонна металлолом, 500 килограмм макулатура тўплаб топширишяпти.

Барно Усмонова, Алишер Маҳкамов, Маъмура Искандарова, Лобар Қосимова каби ўқувчилар ҳам бу ишга айниқса катта ҳисса қўшишди.

**Н. МАНСУРОВА,**
**Тошкент шаҳри**

*• Қишлоқ мухбирларига очиқ хат •*

# ДАВР РУҲИДА

Халқ турмуш фаровонлигини янада юксалтириш ҳамда бошқа кўпгина масалаларни ҳал этишда газета энг биринчи навбатда қишлоқ мухбирларига катта умид боғлайди. **Айниқса узоқ давом этган турғунлик йилларидан сўнг бошланган қайта қуриш жараёнида газетанинг қизиқарли, ўқимишли мазмунли, таъсирчан бўлиб чиқишида, омманинг юрак дардлари, фикрларини илғаб, жамлаб кенг оммага етказишда, қайта қуриш соҳасидаги илк тажрибаларни оммалаштиришда бундан буён ҳам Сиз азиз қишлоқ мухбирлари бизнинг энг ишончли таянчларимиз бўлиб қоласизлар. Ошкоралик, демократия ҳаётимизга тобора чуқур сингиб бораётган ҳозирги пайтда, сиз қишлоқ мухбирлари ўз ижодларингизга давр руҳи асосида янгича ёндашаяпсизларми?** Бизларга ёзиб юбораётган хат-хабар, мақолаларингизда қайта қуриш талаблари ҳисобга олинаяптими?

Мен агросаноат бўлими мудири бўлганлигим учунгина эмас, балки ўзимнинг кўп йиллик газетачилик фаолиятимда ҳамиша, ҳар қандай шароитда сизларнинг мададингиз, ёрдамингиз ас қотиб келганлиги, газетанинг сермазмун бўлиб чиқиши, оммавийлигини таъмин этиб келаётганлиги учун ҳам бугун сизлар билан дилда йиғилиб қолган айрим мулоҳаза, таклиф, истаклар ҳақида очиқчасига гаплашиб олишга аҳд қилдим.

Дарҳақиқат газета саҳифаларини варақлаб, босилиб чиққан хат-хабар, мақолаларни кўздан кечириб, уларнинг мазмуни билан танишар эканмиз, мухбирларнинг бир қадар активлашганликлари сезилиб турибди. Газетанинг ўтган йилги чиқарилган сонлари ва 1988 йилнинг ярим йиллиги мобайнида қишлоқ мухбирларининг сигналлари асосида бир қатор қизиқарли мақолалар эълон қилинди.

Ғалаба районидаги Энгельс номли колхоз сут соғувчиси Н. Папелеванинг «Аёл кўнгли тинч бўлса», Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхознинг бригада бошлиғи С. Баратовнинг «Имкониятларни ишга солиш керак», Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети етакчи мутахассиси Т. Ғаниевнинг «Кучлар бирлашганда», жамоатчи мухбирлардан Х. Сулаймонов, Х. Мирзаев, Н. Абдурасулов, А. Наврўзовларнинг «Бўш келмаймиз», «Гўшт, сут таннархи нега қиммат?», «Гаплар янгича, ишлар эскича», «Бирида яхши, бирида акси» сингари мақола, корреспонденциялари бунга мисолдир.

Лекин улар кам, бизни қаноатлантирмайди. Хўш, нега шундай? Одамлар газетага ёзишмай қўйишдими, хатлар камайиб кетганми, йўқ, ундай деб бўлмайди. Ҳар куни агросаноат бўлими почтасига кўплаб хат-хабар келиб турибди. Лекин афсуски, кўпгина қишлоқ мухбирлари ўз бурчларига, вазифаларига ҳамон эскича қараш билан муносабатда бўлмоқдалар. Баъзан биз бундай хатлардан қандай қилиб бўлмасин фойдаланишга ҳаракат қилмоқдамиз. Сабаби ҳар бир хатда жонли одамнинг овози бор, деб ҳисоблаймиз. Гарчанд эндиликда редакцияга келаётган хатларнинг ҳар биридан фойдаланиш шарт эмас, деган фикрлар айтилаётган бўлсада, лекин бўлимга чиқариладиган хатлар бир чеккасига «Тезлик билан босишга тайёрлансин», «Фактлар аниқланиб, бир хулосага келинсин», «Босишга тайёрлансин», «Кечиктириш керак эмас», деган сўзлар ёзиб қўйилган бўлади. Бу сўзлар бизни ҳар бир хатга эътиборли бўлишга ундайди. Бўлим эса аслида **қозонда бўлмагандан** сўнг чўмичга чиқаролмай кўп уринади. Бу хатларни ўзимизча таҳрир қилиб қўшиб-чатиб чиқарганимиз билан барибир у қиёмига етмайди. Шунинг учун ҳам кўпинча летучкаларда «Хабарлар бир-бирига ўхшаб қолган. Ҳозирги кун нафаси сезилмайди. «Инсон омили кўринмайди» деган эътирозларни эшитамиз. Лекин йўқ нарсани қандай қилиб бор қилиш мумкин?! **Қишлоқ мухбирлари бу оддий ҳақиқатни тушуниб олсалар яхши бўларди. «Қишлоқ хўжалиги мавзусида ёзиш осон. Бригадир ёки сут соғувчи билан суҳбатлашиб, фамилиясини ёзиб, иккита-учта рақам ва одамларнинг фамилиясини кўрсатиб қоғозга туширилса бўлгани, уёғини ўзлари тўғрилаб олишади», деб ўйловчилар қаттиқ янглишадилар. Рақамларнинг мағзини чақиш, таҳлил этиш ҳар бир воқеа, ҳодисага, аҳволга конкрет шароитдан келиб чиқиб баҳо бериш, холисона фикр айтиш керак.**

Афсуски, кўпгина мухбирлар осонроқ йўлни танлайдилар, жонларини койитгилари келмайди. Чинозлик О. Нурушев, Калинин районидаги «Москва» совхозидан И. Қосимов, Нариманов шаҳри қишлоқ зонаси «Политотдел» колхозидан Л. Мансуров, Паркентдан М. Миркомилов, Чиноздан Т. Имомов ўртоқлар ўз ижодларига нисбатан талабчан эмаслар. Биз улардан ҳар куни ва кунора ана шундай хат-хабарлардан иккиталаб, учталаб олиб турамиз. Айрим мухбирлар борки, битта хўжаликда нечта бригада, звено бўлса, навбати билан ҳар бирини ўзларича қаламга олишиб, ёзиб юборишади. **Мавзунинг актуаллиги, ҳозирги кун талаби, юборилаётган хат-хабарларнинг географияси уларни қизиқтирмайди, чоғи.**

Мухбирларнинг ана шундай енгил-елпи, жўн хат-хабар ёзишни одат қилиб олишларига бир жиҳатдан редакция ходимлари ҳам айбдор, деб ҳисоблайман. Сабаби — бир вақтлари бизда шундай анъана бор эди. Ҳар бир хатдан қандай бўлмасин фойдаланиш йўлини қидириш керак, деган талаб қўйиларди. Шундай қилардик ҳам. «Қисқа сатрларда», «Бизга ёзадилар», «Қишлоқ мухбирлари хабар қиладилар» сингари рубрикалар билан бундай хатлар «босилдими, босилди» бўларди. Хафа бўлманглару, эндиликда бундай қилишга виждонимиз йўл қўймайди. **Ҳақиқатан ҳам биронта фойдали таклиф, фикр, мулоҳаза, тажриба бўлмаган хатни газетанинг қимматли саҳифасини банд этиб, ўқувчига тақдим этишдан қандай маъно бор!**

# ЯНГИЧА

Хат — бу ҳаёт инъикосидир. Унда шу куннинг долзарб масалалари, турмуш кўндаланг қилиб қўяётган муаммолар, одамларнинг қувончлари ва ташвишлари акс этиб туриши керак. Наҳотки ҳозирги пайтда ҳар бир район, колхоз ва совхозда қаламга олинишини кутиб турган муаммолар, камчиликлар йўқ бўлса?!

**Хўжаликни иқтисодий бошқаришга ўтилмоқда. Хўжалик ҳисоби, ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш, оила, коллектив, ижара пудрати сингари меҳнат усуллари жорий этилаяпти. Сизлар истиқомат қилаётган колхоз ёки совхозда ҳам бу соҳада қилинаётган ишлар эътиборингиздан четда қолмаслиги зарур.**

Яқинда тажрибали, ишбилармон раислардан бири билан суҳбатлашганимда қизиқ бир гапни айтиб қолди.

— Бизга,— деди у,— юқоридан кўрсатма беришиб, райкомда ишлаган бир ўртоқни биринчи ўринбосар қилиб ишга олинг, дейишди Бироқ у ўртоқ ишончни оқламади. Қиладиган ишининг тайини йўқ, одамлар билан муомалада, гапсўзда нуқул осмондан келади. Менга машина керак, деб талаб қилади. Бироқ биронта масалани ҳам мустақил ҳал қила олмайди. Маслаҳатлашиб кўрамиз, раис келсин-чи, деган мужмал гапларни рўкач қилади. Бундай «ўринбосар»нинг нима кераги бор, деб ўйладик ва маслаҳатлашиб, бундай штатдан воз кечдик.

Азизлар, сизлар истиқомат қилаётган колхоз, совхозда ана шундай ортиқча штатлар йўқми, ҳар бир мутахассисни тайёрлашга давлат озмунча маблағ сарфламайди-ку! **Хўжаликлардаги бош мутахассислар, оддий мутахассислар нима ишлар билан шуғулланишяпти. Хўжалик раҳбарларининг маданий-маиший ишлар бўйича ўринбосарлари ўз вазифаларини қандай бажаришяпти. Социал масалалар қандай ҳал этилмоқда.** Колхозчи ёки совхоз **ишчисининг яшаш шароити, турмуш тарзи қандай.**

Яшириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Айрим оилалар борки, ҳафталаб гўшт истеъмол қилмайдилар. Айримлар борки, топиш-тутиши яхши, бироқ уйига қарамайди. Боласининг эгни юпун, дарс тайёрлай деса махсус хонаси, ақалли, стол, стуллар йўқ. Лекин ана шундай хонадонларнинг тахмонларида қўша-қўша гиламлар тахлаб қўйилади, маданий яшашга интилмайдилар ҳам.

Бизда ҳали қайта қуриш ишига тўғаноқ бўлаётган иллатлар жуда кўп. Нега булар сизни безовта қилмайди, юрагингизга ўт солмайди. Хайрият ҳукуматимизнинг махсус қарори билан «юмалоқ» хат ёзувчилардан қутулдик. Дилингда дардинг, ҳасратинг йиғилиб қолганми, тап тортмай очиқ айтавер, деяпти партиямиз. Бу имкониятлардан нега фойдаланмайсиз, иллатларни фош қилишдан чўчиманг, жамоатчилик сизнинг ёнингизни олади, қўллаб-қувватлайди.

Бироқ танқид асосли, ишончли, залварли фактларгагина асосланган бўлиши керак. Акс ҳолда у фойда ўрнига зиён келтириб қўйишини ҳам унутманг. Афсуски, айрим мухбирлар бу масалага ҳам енгил-елпи қарашади. Агарда бирон хўжаликда план бажарилмаган, маҳсулот олиш камайган, таннархи қимматлашиб кетган бўлса, бунинг учун фақат бригадир ёки ферма мудири, хўжалик раҳбари айбдор эмас-ку! **Иллатнинг келиб чиқиши, туб илдизи нимага бориб тақалади. Мухбир ана шу билан қизиқиши керак.** Афсуски, кўпинча бундай қилинмайди. Бўстонлиқлик А. Иброҳимовнинг кўпгина танқидий мақолаларида ана шундай нуқсон бор.

Биз кейинги пайтларда оҳангаронлик М. Қаюмовдан кўп мақола, очерк, лавҳалар олиб турибмиз. Уларнинг аксарияти яхши ёзилган бўлади. Афсуски, биз буларнинг ҳаммасидан ҳам фойдаланиб улгуролмаймиз. Қолаверса, ҳадеб битта райондан кетма-кет мақола чиқараверишунчалик тўғри эмас.

Ҳозирги қайта қуриш даврида қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қўшадиган ҳиссалари катта бўлиши керак. Деҳқон ва чорвадорларимиз уларнинг матбуот саҳифалари орқали бериб турадиган фойдали маслаҳатлари, мулоҳазалари, таклиф, тавсияларига муҳтождирлар.

Бу ўринда биз Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти катта илмий ходими, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати А. Иброҳимов, Р. Р. Шредер номидаги мевачилик-узумчилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ходими, қишлоқ хўжалиги фанлари кандидати М. Собировлар ёрдамидан миннатдорлигимизни айтмоқчимиз. Уларнинг редакцияга ёзиб юборадиган маслаҳатлари ҳаётий мисоллар билан бойитилган бўлади.

**Лекин шу билан бирга кўпгина мутахассисларнинг бизга йўллаётган мақолалари ҳамон эски услубда ёзилаётганлигини айтмай ўтолмаймиз. Улардаги маслаҳатлар қуруқ бўлиб қолаётир.** Бу гап Ўзбекистон шоличилик илмий-тадқиқот институти ходими А. Ғозихоновга ҳам тааллуқлидир. Ғозихоновнинг ҳар йили бизга юборадиган шоли экиш, уни парвариш қилиш агротехникаси ҳақидаги маслаҳат, йўл-йўриқлари бир қолипда ёзилади. **Ўтган йилдаги, ундан аввалги йилдаги тавсия, агротехник услуб ва нормалар такрорланаверади.** Наҳотки ҳар бир район, колхоз, совхознинг ҳар бир йилдаги конкрет иқлим, тупроқ шароитида, агротехникасида **жиндек бўлса ҳам ўзгариш содир бўлмаса. Маслаҳат амалий ишлар билан уйғунлашган бўлиши керак-да.**

Ўзбекистон толали ўсимликлар тажриба станциясининг ўсимликлар физиологияси лабораторияси ходимлари томонидан юбориладиган мақола, тавсияларда ҳам ҳар бир йилнинг, ҳар бир фаслнинг конкрет шарт-шароити ҳисобга олинса яхши бўларди.

Аслини олганда хўжалик раҳбарлари бизнинг етакчи мухбирларимиз бўлишлари керак. Ҳозирги қайта қуриш даврида бу айниқса муҳимдир. Қани энди, улар муаммоли, иқтисодий, қиёсий таҳлилга бой мунозарали, илғор тажрибалар очиб берилган мақолалар билан тез-тез қатнашиб туришса.

# ЁНДАШИНГ

Лекин кўпинча биз бу истакни рўёбга чиқаришга қийналамиз. Сабаби — ҳозирги кун талаблари бутунлай бошқача. Эндиликда иккита-учта рақам кўрсаткичларини ён дафтарга ёзиб олиб, ўзимизча бичиб-тўқиб, хўжалик раҳбарларининг имзосини қўйиб мақола чиқаришга ҳақимиз йўқ.

**Модомики, газетадан хўжалик раҳбарига минбар берилган экан, бу минбардан фойдаланиб, у ўз сўзини, дарди-ҳасратини, иш услуби, тажрибасини айтиб берсин, токи уни ўқиган газетхонлар ундан ўзларига керакли озуқани, бирон фойдали иш услубини ўрганиб билиб олсинлар. Хўжалик раҳбари мухбир билан суҳбатлашганида ана шуни ҳисобга олиши керак. Мухбир эса уларнинг фикрини, мулоҳазаларини маълум бир ипга тизиб, қоғозга тушириб, таҳрир қилиб чиқаришга кўмаклашади.**

Хулоса шуки, қишлоқ мухбирлари астойдил бўлиб, енг шимариб, маҳорат, тажрибаларини ишга солиб, эркин, ижодий ишлайдиган вақт келди. Қайта қуриш талаби бу. Улар ана шу талаб асосида иш юритсаларгина матбуотга самарали, салмоқли ёрдам беришлари турган гап.

**Ҳар бир хат, хабар, мақолада қайта қуриш нафаси уфуриб турсин. Биз қишлоқ мухбирларидан ўз ижодларига давр руҳига монанд янгича ёндашишларига умидвормиз.**

**Н. РИХСИЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» агросаноат бўлими мудири.**

*Қайта қуриш: сўзда ва амалда*

# ЧЎПОН НИМА ДЕЙДИ?

ҒОФИР Рисқулов «Оҳангарон» совхозининг моҳир чўпони. Ҳар йили тўл олиш, жун қирқиш планларини ошириб бажаради.

— Бу пудратнинг ҳосияти, — дейди у. — Ютуқларимиз яна ҳам кўп бўларди-ю, лекин айрим муаммолар ҳалал бераяпти-да. Бу — менинг эмас, кўпчиликнинг фикри.

У дилидагини тилига кўчирди,

— Чўпон бўлиб ишлаётганимга ўн йилдан ошди. Ҳали бирон марта ҳам кўчма магазин келганини эслай олмайман. Ўзингиз ўйланг, радионинг оддий батареяси нима деган гап?! Магазинда 23 тийин туради. Бироқ уни сотиб олиш учун Оҳангаронга тушишимиз керак. Масофа эса анча олис. — 25 километрдан ортиқ. Кир ювадиган порошокчи, ҳамма жойда ортиб-тортиб ётадиган бу нарсага ҳам муҳтожмиз. Ҳайронман, раҳбарлар нега бу ҳақда ўйлашмайди. Тўл олиш пайти бошланиши билан бир-икки марта келишади-ю, шу билан қораларини кўрсатишмайди. Одамга алам қилади. Нима биз ўгаймизми? Ўзимизга яраша дарди-ҳасратимиз бор. Бизнинг болаларимиз ҳам яхши-яхши китобларни ўқигиси, бежирим кийим-кечаклар кийгиси келади. Бу аҳволда қандай қилиб уларни чўпонлик касбига қизиқтирамиз?

Ғофиржон ҳақ гапни айтаётганди. Чўпон-чўлиқларга маданий-маиший, савдо, медицина хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш чораларини кўриш керак.

**М. ҚАЮМОВ,**
**жамоатчи мухбир.**

ЛУҚМА

# АҲВОЛИ ТАНГ КЎЧАЛАР

Тошкент шаҳрининг Киров районидаги Янгиариқ маҳалласида учта катта ва саккизта кичик кўчалар бор. Уста Ширин, М. Турғунбоева ва Киев номли катта кўчалар ҳар икки-уч йилда ремонт қилиниб туради. Аммо кичик кўчаларга асфальт ётқизилганига ўн беш-йигирма йилдан ошиб кетган бўлса-да, ҳанузгача ремонт қилинмаётир. Жумладан, биргина Ҳамидов номли кўчанинг текис жойидан чуқури кўп. Абу Али Ибн Сино ва Тўхтасин Жалилов номли кўчаларнинг аҳволи ҳам бундан яхши эмас.

Район ободонлаштириш бошқармасидагилар «даво»га муҳтож бу кўчалар ҳолидан бир хабар олсалар бўларди.

**А. НАБИХЎЖАЕВ,**
**жамоатчи мухбир.**




# ҚУРИЛИШДА ҲАМ ТЕХНОЛОГИЯ ТАРТИБИ КЕРАК

*• Экологиянинг долзарб масалалари •*

БИЗДА экология муаммолари ҳақида кўп гапирилади. Кейинги пайтда кўп ёзилаяпти ҳам. Лекин конкрет натижаларга эришишимизга ҳали анча борга ўхшайди. Негаки, турғунлик йилларидан мерос қолган қолдиқ иш усули уларнинг ечимини ҳамон мураккаблаштирмоқда.

Олмалиқда шундай бўлди. Шаҳар ҳавоси саноат чиқиндиларининг атмосферага чиқарилиши натижасида нормадагидан бир неча баробар ортиқ ифлосланган. Шунинг учун ҳам кон-металлургия комбинатида ҳавога тарқаладиган зарарли газ миқдорини қисман бўлса-да камайтириш, экологик шароитни яхшилаш мақсадида йирик қурилма бунёд этиляпти. Унинг махсус фильтрлари бўлиб, бу мосламалар ёрдамида газ тутилиб, қайта ишланади. Шу вақтгача чиқинди бўлиб келган ва атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатган газдан ҳам маҳсулот олиш йўлга қўйилади. Унинг давлат аҳамиятига молик объектлар қаторига киритилганлиги ҳам бежиз эмас. Эътибор ҳам шунга яраша бўлиши керак эди. Амалда эса...

— Агар экологик нуқтаи назардан иборали қилиб гапирадиган бўлсак, — деди 93-ихтисослашган трестнинг «Промтехмонтаж» бошқармаси бошлиғи Хоям Ингович Тё. — Буюртмачи ташкилот — комбинатнинг капитал қурилиш бошқармаси ишни бошидан эмас «думи»дан бошлаган. Улар биринчи навбатда олтингугурт кислотаси қурилмаларини ишга туширишни планлаштиришди. Тозалаш комплекси эса «кейин»га қолдирилди. Буюртмачилар таъминотчилар билан шартнома тузганда жиҳозларни юбориш графигини ижрочи билан келишиб, тасдиқлатиб олмаганлар. Натижада асбоб-ускуналар технология асосида келмаяпти. Мисол учун биринчи кварталда тўртта ювиш миноралари, иккита моногидрат сўргич ва контакт аппаратлари олиниши керак эди. Биз эса ювиш миноралари иккинчи кварталда олдик. Контакт аппаратларини етказиб бериш эса учинчи квартал ўрталарига — августгача кечиктирилган.

— Ҳозир-ку бизда кичик бўлсада иш фронти бор,— деди Ҳоям Ингович сўзини давом эттириб.— Лекин бошқалар — «Химзашчита» ёки бошқа монтаж ташкилотлари нима қилишади? Буюртмачилар эса биз учун ҳозир ниҳоятда зарур бўлган ўн бешта горизонтал кислота йиғгичларни етказиб беришга шошилмаяпти. Иттифоқнинг «Гипроцветмет» институти лойиҳачилари ҳам бизга панд беришмоқда. Улар лойиҳа-смета ҳужжатларини етказиб беришни кечиктиришаяпти.

«Промтехмонтаж» йил бошидан хўжалик ҳисоби асосида ишламоқда. Лекин бундай шериклар билан ишлаш уларга қимматга тушаяпти. Объектда амалий ишдан кўра шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги учун жарималар солиш кўпроқ бўлаяпти. Буюртмачилар, у ишга тушириладиган объект эмас-ку, улгурамиз деб юрганга ўхшашади. Бундай бефарқлик давом этаверса бой берилган имкониятларни ҳеч қандай штурмчилик билан ҳам қайтариб бўлмайди.

Мен қурилиш майдонида механик-монтажчилар бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Леонид Агеевич Захаров билан учрашдим.

— Биз бу йил ҳаво ажратадиган цех машина-механизмлари монтажини тугаллашимиз керак,— деди у ҳам куюнчаклик билан.—Ҳозирча иш фронти бор, бекор қолмаяпмиз. Лекин биринчи навбатда фильтрлар монтаж қилиниши керак эди. Кейин технология бўйича бошқа жараёнларга ўтиларди. Бизнинг буюртмачиларимиз эса ўзларини ишга дахлсиздек тутишаяпти. Мана яқинда «Пензахиммаш» заводидан иссиқлик алмаштириш агрегатларини олдик. Улар йирик-йирик блоклар шаклида монтаж қилиниб юборилиши керак эди. Аслида эса майда қисмларга бўлинган ҳолда келди. Шартномага амал қилинмаётганлигининг яна бир бу кўриниши биз учун қўшимча қийинчиликлар юзага келтирмоқда. Лекин на бош пудратчи — «Алмаликсвинецстрой» трести, на бизнинг трестимиз вакиллари заводга ҳеч қандай эътироз билдирмадилар. Ахир заводда охирига етказилмаган ишларга улар меҳнат сарфлашмайди-да. Бизга эса бу иссиқлик алмаштиргичларни қўшимча меҳнат сарфлаб йиғгунча анча терлашга тўғри келди. Ваҳоланки, шусиз ҳам тиғиз график асосида ишлаяпмиз. Ҳозир бошқа монтаж ташкилотлари, хусусан ўша «Монтаж-химзашчита» ишчиларига иш фронти беришимиз керак. Объектда эса на жиҳозлар бор, на лойиҳа-смета ҳужжатлари.

Монтажчиларнинг ташвиш ва эътирозлари ўринли. Бу иншоот улар зиммасидаги биринчи муҳим объект эмас. Уларга қанчадан-қанча объектларни қолоқлик гирдобидан олиб чиқишга тўғри келган.

Буюртмачилар ўз шаҳарлари учун сув билан ҳаводек зарур бўлган бу иншоотга муносабатларини ўзгартиришлари зарур. Айримлар онгида сақланиб қолаётган ишга лоқайдлик муносабатлари экология муаммоларининг ҳал бўлишига тўсқинлик қилиши турган гап. Бунга эса йўл қўйиб бўлмайди. КПСС Марказий Комитетининг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига Тезисларида ҳам бу яна бир бор алоҳида уқтирилган.

**С. МОРОЗОВ.**

## ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

# «ХЎП БЎЛАДИ...»

«Қибрай» совхоз-заводининг 4-бўлимида замонавий «Солнишко» боғчаси қурилганда шу атрофда яшовчи оилалар ниҳоятда хурсанд бўлишган эди. Чунки уларнинг фарзандлари шу масканда тарбиялана бошладилар. Шундан бери орадан икки йилдан ошиқроқ вақт ўтди. Лекин қурилишда ўша вақтда чала қилинган иш ҳамон тузатилгани йўқ.

Боғчадан чиқаётган ахлат ва бошқа чиқиндилар сақланадиган жой қилинмади. Ҳатто ҳожатхона чиқиндиси ҳам тўғри унинг ёнидан оқиб ўтадиган канал сувига тушмоқда. Бу ҳақда тегишли ташкилотларга бир неча бор мурожаат қилинди. Лекин уларнинг раҳбарлари «хўп бўлади», «албатта инобатга оламиз», «аҳволни тўғрилаймиз» деган сўзлардан нарига ўтишмаяпти.

Аввало район санитария-эпидемиология станцияси ходимлари бунга лоқайдлик билан қарамоқдалар. Бундай бефарқликдан фойдаланган боғча ёнидаги қатор коттежда яшовчи оилалар ҳам ахлат ва бошқа супуриндиларни тўғри оқар сувга ташлашади.

Ачинарлиси шундаки, шу атрофдаги қатор қишлоқлар аҳолиси кранда сув бўлмаган вақтларда шу канал сувидан истеъмол қиладилар. Ичимлик сув тез-тез бўлмай қолади. Бу аҳвол ҳатто совхоз-завод раҳбарларини ҳам ҳеч қандай ташвишга солмаяпти. Ваҳоланки шу хўжаликнинг юзлаб ишчи-хизматчилари оилалари бундан азият чекмоқдалар.

Меҳнаткашларнинг бу ҳақдаги ариза ва шикоятларига ким қулоқ солади? Шундай ташкилот бўлса керак!

**Э. БОЙМАТОВ,**
**жамоатчи мухбир.**



«ҚИЗИЛ КИТОБ»га киритилган.

Бухоро буғуси.

**Д. АҲМЕДОВ фотоси.**

Тор йўллардан қилиб ор,
Узр сўрашди элдан.
Озор топмасми чинор,
Мих қоқилса нақ белдан.

Т. Лутфуллаев фотоси.




## БРАКОНЬЕРЛАРГА ШАФҚАТ ЙЎҚ

# ШАРМАНДА БЎЛИШДИ

Сирдарёнинг Тошкент областидан ўтадиган 120 километрлик ва Чордара сув омбори турли хил балиқларнинг кўплиги билан ажралиб туради. Бу сув ҳавзаларида балиқларнинг ўндан ортиқ тури яшайди. Уларнинг айримлари бир центнергача етади. Ҳар бири 20 килограммгача тарози босадиган танга балиқ, 40—50 килограммлик дўнгпешана, 100 килограммлик лаққа балиқлари яшайди.

Уларнинг кўпчилиги браконьерларнинг қурбони бўлмоқда. Айниқса шу кунларда уларнинг пайтавасига «қурт тушган». Чунки ҳозирги вақт балиқлар учун уруғ ташлаш даври ҳисобланади. Бу пайтда уларни осонликча кўплаб тутиш мумкин. Қўли нопок шахслар шундай вақтларда сув ҳавзаларига «ташриф буюрадилар». Ўтказилган текширув натижасида анчагина браконьерлар қўлга тушди.

Чиноз районидаги Охунбобоев номли ва «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозлари аъзолари Ж. Ҳайдаров ва Ф. Олтинбетовлар тўрни сувга ташлаб балиқ тушишини кутиб ўтирган вақтда фош қилиндилар. Улар анча балиқ тутишган ҳам экан. Текширилганда 62 та катта-кичик балиқ топилди. Улар балиқ тутиш қоидаларини бузганликлари учун ҳар бири 50 сўмдан жарима тўлади. Айни вақтда балиқ запасларига етказган зарар учун яна 126 сўм тўлашга мажбур бўлдилар. Шу Охунбобоев номли колхозда истиқомат қилувчи У. Гулимов ҳам тўрни қўяётган вақтда ушланди. У балиқ тутишга улгурмаган ҳам эди. Шунга қарамай браконьер 50 сўм жарима тўлади, тўри эса мусодара қилинди.

Давлат ва жамоат инспекцияси ходимлари томонидан ўтказилган бу рейдда яна бир қанча браконьерлар фош қилинди. Кўплаб балиқ тутадиган тўрлар, резина ва моторли қайиқлар мусодара қилинди. Бу балиқ тутиш воситалари айримларининг эгалари топилмади. Чунки улар жуфтакни ростлаб қолишган эди. Браконьерлар қанчалик муғомбирлик қилишмасин, албатта, қилмишларига яраша жазоланадилар. Улар бундан ҳеч вақт қочиб кутулолмайдилар, шарманда-ю шармисор бўладилар.

**М. МАХМУТОВ,**
**«Узбекрибвод» ҳузуридаги республика балиқни муҳофаза қилиш жамоат совети аъзоси.**

## ҲАР ТЎҒРИДА

### ИҚЛИМ ИСИЯПТИМИ?

✦ Сўнгги йилларда Антарктида музидан ажралиб чиқаётган айсберглар анча кўпайди. АҚШдаги музшунослик бўйича бирлашма маркази ходими Глен Рэтлеж бу воқеани планетада иқлим исиётганлигининг тимсоли сифатида баҳолаш керак, деган фикрни айтди. Олимлар сузиб юрувчи муз тоғлари ҳажмининг анча кўпайганлигини ҳам аниқладилар. Ўтган йили Росс шельфи музлигидан узунлиги 138 ва кенглиги 37 километрлик муз ороли ажралиб чиқди. Ҳозиргача у ер шаридаги энг катта айсбергдир. Бу гигантнинг эриб кетиши икки йилдан етти йилгача чўзилиши мумкин.

### КОФЕНИНГ ХОСИЯТИ

✦ Тадқиқотчилар кофега нисбатан ўзларининг янги назариялари билан бизни ҳайратга солишни давом эттирмоқдалар. Яқинда улар бу ичимлик юрак учун зарарли эмас, деб эълон қилишган эди. Америкалик олим Ронн Розенбаумнинг тасдиқлашича, биринчидан, кофени инсон учун зарур бўлган ўзига хос витаминдир, иккинчидан эса қачонлардир бизнинг организмимиз уни зарур миқдорда ўзи ишлаб чиқарган. Эндиликда бундай қобилият кофенини ҳеч қандай кўринишда истеъмол қилмайдиган кишилардагина сақланиб қолган.

### БИРЛАШГАН ЮТАР

✦ Ҳиндистоннинг Тамилнаду штатидаги қишлоқлардан бирининг аҳолиси қушларнинг кобра билан ҳаёт-мамот кураши гувоҳи бўлдилар.

Икки метр узунликдаги илон янги тухумларни мазза қилиб ютиш хаёли билан дарахтнинг деярли учигача чиқиб борганда уни шу ерда ини бўлган тўтиқушлар пайқаб қолдилар ва ёвузга қарши жон-жаҳдлари билан ташландилар. Бироқ уларнинг кучи етмас эди. Шу вақт кутилмаганда ёрдам келиб қолди. Ўзлари ҳам бошқа паррандалар инини вайрон қилишдан воз кечмайдиган қарғалар бу гал «синфий онглилик» намунасини кўрсатдилар. Уларнинг галаси тўтиқушларга қўшилиб, кобрага ташланди.

## ҲАР ТЎҒРИДА

## • Тошкент театрларида



✦ ПОЙТАХТИМИЗДА Ленин орденли Қозоқ Давлат академик опера ва балет театрининг гастроллари бошланди. Қардош республика санъаткорлари дастлаб А. Жубанов ва М. Ҳамидийнинг «Абай» операсини намойиш қилдилар. Суратда: Абай ролида — СССР халқ артисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Е. Серкибоев, Сирттан — Қозоғистон ССР халқ артисти Ш. Умбеталиев.

### «Абай»



### «АДАШГАНЛАР»



✦ А. ҚАҲҲОР номли республика сатира театрида Т. Муҳиддиннинг «Адашганлар» пьесаси асосида тайёрланган спектаклнинг премьераси намойиш этилди. Мазкур саҳна асарида ҳозирги даврнинг муҳим муаммоларидан бири — гиёҳвандликка қарши кураш ифодаланган. Суратда: янги асардан бир саҳна.

Р. ШАРИПОВ фотолари.

## МУШОИРА—88

Бокс бўйича собиқ жаҳон чемпиони Рифат Рисқиевнинг онаси Тўрахон ая Қудратова ўғлининг лат еб қўли қўлқопга сиғмай қолган бир ҳолда ҳам ўзини «жанг» майдонига урганлигини айтиб берган эдилар...

# ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон, мардлар онаси,[1]
Борми бирор сендан холи шер?
Эсингдами, онажон дея
Алқагани сени Алишер?
Киприкларинг қароғларингга
Солмасинлар андуҳли соя.
Дилбандинга дилдошим, сенинг
Исминг букун Тўрахон ая.
Сен исмингга сиғмагандай ҳеч
Сарфарозим, эй олий рифъат,
Тўлиб-тошди достонларингда
Сўз бағрига сиғмаган фикрат.
Шералига ихлос қўйганлар
Сенга бадни кўрмаслар раво.
Кўзларингдан таралмоқда бот
Чолғуйингга сиғмаган наво.
Сен — меҳрсан, хуршиди жаҳон,
Топинмоқда мардона диллар.
Қуёш сари талпинган каби
Чаманинга сиғмаган гуллар.
Букун пурдил ўғлонларингни
Сенга элтар энг қутлуғ йўллар.
Сени суяр, онажон, бир вақт
Қўлқопига сиғмаган қўллар!

1. А. Ориповдан.

# АМАЛПАРАСТ ФОЖИАСИ

## ЁКИ БИР ҲАЗИЛНИНГ ҚУРБОНИ

Мен ҳангома ёзмадим,
Кулмадим ҳам ножўя.
Олди-қочди* гап эмас,
Бу — чинакам фожиа.
Ул кас пастга боқарди,
Жар тик эди ва қия.
Хуллас, гумон қилмангиз
Бу — ҳаётий воқеа.
Маъзур тутгайсиз бироқ
Эй, ўқувчим — нозиктаъб,
Қиссанинг қай бир жойи
Эртакка кетса ўхшаб.
Бор экан бир мансабдор,
Ғурури шоён экан.
Курсисига ихлоси
Беҳад бепоён экан.
Курси билан у ёлғиз
Қолган чоғ денг нетаркан?
Суянчиғим, деб суйиб
Изҳори дил этаркан.
«Жондан жудо қилсинлар,
Ғинг деган одам эмас.
Мол-дунёдан кечсам ҳам,
Сендан кечолмасман, бас!
Сен — меҳрибонсан мен учун,
Сидқимдир сенга қойим.
Ишқилиб, кўп кўрмасин
Сени менга худойим».
Ирими ажабтовур:
Хонага кирар экан,
Энг аввали курсига
У салом берар экан.
Тиним кунлари ҳатто
Вақт чегириб мансабдор,
Хонайи муборакка
Келиб кетаркан бир бор.
Барча бундан хабардор,
Бу кўпга аён экан.
Яъни, амал курсиси
Жисми аро жон экан.
Рутбасини ўзига
Бахт биларкан чинакам.
Курсини асл таянч, —
Тахт биларкан чинакам.
Ҳазилкашлар дафъатан
Даврага бўлганда жам.
Келинг, бир кулайлик деб
Режа туздилар хуррам.
Жон олғувчи фаришта —
Азройилга бордилар.
Ошналари ҳақида
Унга кўнгил ёрдилар.
Жонини олма ва лек
Курсисини ол, дедилар.
Унга ортиқ кулфат йўқ
Ва йўқ вавол, дедилар.
Агар ўлмай қолса ул,
Бизлар кафил бўлайлик.
Ёлғон чиқса сўзимиз
Ўрнига биз ўлайлик.
Ҳазил-ҳузил билан денг
Иш каттага айланди.
Азройил ҳам Тўранинг
Ҳузурига шайланди.
— Қабулингга киргунча
Нақ букилди қад, деди.
Жон олгани келганман, —
Курсини бўшат, деди.
Мансабдор нола чекиб,
Оҳ урди-ку бетоқат;
«Олгил керак бўлса жон,
Курсига тегма фақат».
Лек малаклар курсини
Кўкка олиб учдилар.
Шу ҳам жон бўлди-ю деб
Ноliб-нолиб учдилар.
Жисмидан чиққудай жон
Бўғзида сўзи қолди.
Сийратидан айрилиб
Сувратини ўзи қолди.
Яшашнинг маъноси ҳам,
Омад ҳам аён кетди.
Ўт тушди хонумонга,
Воҳ, курси қаён кетди?!
Пешонада не шўриш,
Қисмати экан қора,
Уч кунга ҳам етмасдан
Қазо қилди бечора...
Балки бу — бир афсона,
Сенга, замон ўғлони.
Гўрда ётипти бугун
Бир ҳазилнинг қурбони.

Анвар ИСРОИЛОВ.

## Ранг-баранг олам

### КИМНИНГ ХОТИРАСИ КУЧЛИ

● Қариганда эркак кишининг хотираси сусаядими ёки аёлларникими? Ана шу саволга жавоб излаб америкалик олимлар кўп йиллар изландилар ва ниҳоят сўнгги тадқиқотлар натижаларига кўра, аёллар бу соҳада эркакларга нисбатан анча хотирали эканликларини айтишди. Балтиморлик мутахассислар бундай қатъий фикрга келишларидан аввал 50 дан 89 ёшгача бўлган аёл ва эркак америкаликларга мурожаат қилиб, турли синовлардан ўтказишди. «Хотира хазинаси» бўлган инсон миясида йиллар мобайнида тўпланиб борган ахборотларни улардан қайси бири кўпроқ ёдда сақлай олганини текшириб кўришганда эркаклар аёлларга нисбатан кўпроқ унутувчан бўлишлиги аён бўлди.

### ЁШГА ҚАРАМАЙДИ

● Австрия реклама ва туризм идораси ўтказган тадқиқотлар натижасига кўра одамлар ёши ўлғайган сари турли кўнгилочар саёҳатларга ўта ишқибоз бўлишар экан. Мутахассисларнинг фикрига кўра бу одамларнинг 63 проценти кўнгилли дам олишни ёқтирар экан. Австрияликларнинг 60 дан 70 ёшгача бўлган қисми ва бундан ҳам улуғроқ ёшдаги аҳолининг 39 проценти йилига бир, ҳатто икки маротабадан саёҳат қилишга иштиёқманд экан.

### «ДУМЛИ ТЎДА»

● Яқин вақтлардан бери Ҳиндистон пойтахтининг жанубий районларида бебош маймунлар тўдаси кўнглига нима келса шуни қилиб юришибди. Улар ошхона, ресторанлар, шахсий уйларга кириб, нимаики егулик бўлса, барчасини ўғирлаб кетишмоқда. Маймунлар тўдасига қарши ҳеч қандай қаршилик кўрсатиб бўлмаяпти. Негаки, бу сурбет, ўғри ҳайвонлар Ҳиндистонда муқаддас ҳисобланади. Деҳли аҳолиси охир-оқибат бу «думли тўда» бошқа жойга кўчиб кетиб қолар, деган умид билан яшамоқда.

## Гулзорга тушиб омон қолди

СОВЕТСКАЯ ГАВАНЬ (Хабаровск ўлкаси), 20 июнь. (ТАСС мухбири С. Свердлов). Татар бўғози соҳилидаги Завети Ильича посёлкасида бинонинг бешинчи қаватидан қулаб кетган бир ярим яшар Аня Калиуш гулзорга тушиб омон қолди.

Кўп қаватли уйлар қаторлашган кўча иш сменасидан сўнг жуда гавжум эди. Лекин бола қичқириғини эшитганларнинг ҳаммаси қотиб қолди — ҳавода қизнинг кўйлаги ҳилпираб кўринганди. Катталар югуриб келишганида қизалоқ янги чопиқ қилинган гулзорда кулимсираб ўлтирарди. Унинг бир неча тирналган жойигина рўй берган ҳодисани эслатиб турарди.

Шаҳар касалхонасининг врачлари қиз соппа-соғ, деган хулосага келдилар. Шундай бўлсада, у кузатиб туриш учун касалхонада бир неча кунга қолдирилди. Ҳозир Аня уйида.


• Реклама ва эълонлар •

«ПЕРИЗАТ» ёшлар ижодиёти кооператив бирлашмаси

ЯҚИН КУНЛАРДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

етакчи қозоқ ва ўзбек шоирлари, ёзувчилари, адабиётшунослари ва Ўзбекистон артистлари, Қозоғистонлик меҳмонлар иштирокида

ҚОЗОҚ ШЕЪРИЯТИ, АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ КЕЧАСИНИ ЎТКАЗАДИ

Бадиий раҳбар — Аширбек КОЙТАСОВ.
Коллектив бўлиб тушиш учун буюртмалар қабул қилинади.

Бизнинг адрес: 700100, Тошкент шаҳри, Б. Хмельницкий кўчаси, 33-уй, С. М. Киров номидаги маданият ва истироҳат боғи. Справкалар учун телефон: 55-02-66.

• Реклама ва эълонлар •

Тўйлар муборак!

Тўй тантаналарида маданий хизмат қилишга мослаштирилган ва замонавий репертуарга эга бўлган
АВИАСОЗЛАР МАДАНИЯТ САРОЙИНИНГ

«САМО» АНСАМБЛИ

Бахт ва шодлик оқшомини кўнгилдагидек ўтказишда
ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЁР!
Ансамблни кассага пул тўлаш йўли билан тўйхонага таклиф қилишингиз мумкин.
Буюртмалар олдиндан ҳар куни соат 17.00 дан Маданият саройининг 2-қават, 90-хонасида қабул қилинади.

Бизнинг адрес: Авиасозлар шаҳарчаси, Лисунов кўчаси, Авиасозлар маданият саройи (15, 23, 48, 72, 151, 154, 164-автобуслар; 3, 23-трамвайларнинг «Маданият саройи»



Редактор Н. НАСИМОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

(«Ташкентская правда»)
Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного Совета народных депутатов
Издается на узбекском языке
Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32

.ТЕЛЕФОНЛАР: 33-40-48, 32-53-54 хатлар ва оммавий ишлар бўлими

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.
Р — 00233. А. 1627. Индекс: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12